

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:334.75: 33М(575.1)

ИСМОИЛОВ АЛИШЕР ЖОБИР ЎҒЛИ

**МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА КИЧИК
БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорти
қўллаб-қувватлаш жамғармаси” маълумотлари асосида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Т.Жўраев

Тошкент – 2018


Диссертация ишида қуйидаги асосий масалалар ҳал этилади: Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари; Ўзбекистон экспортида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлили ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтиришнинг устувор йўналишлари “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

In this thesis the following tasks were accomplished: theoretical and methodological basics of further improvement of support of small business entities in increasing the export potential of the Republic of Uzbekistan. Analysis of the activities of small businesses and private entrepreneurship in Uzbekistan and the priorities of expanding export geography are analyzed on the basis of the data from the "Small Business and Private Entrepreneurship's export promotion Fund".

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. 16- сонли баённома « 14 » май 2018 й.

Илмий раҳбар: Т.Жўраев

Магистр: А.Исмоилов


ИМЗО

14.05.18
сана
14.05.18
сана

“Химояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 

“15” май 2018 йил

Химоя 2018 йил “18” июнь соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I боб. Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашнинг назарий - ҳуқуқий асослари.....	10
1.1. Миллий иқтисодиёт экспортида кичик бизнес субъектларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	10
1.2. Кичик бизнес субъектлари экспортини ташкил қилиш ва уларни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	23
1.3. Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	36
Биринчи боб бўйича хулоса.....	47
II боб. Ўзбекистон экспорти салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлили	49
2.1. Кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	49
2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти таҳлили....	62
2.3. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштиришда экспорт механизми таҳлили.....	79
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	87
III боб. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	90
3.1. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари.....	90
3.2. Кичик бизнес субъектлари самарали ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш истикболлари.....	100
Учинчи боб бўйича хулоса.....	110
Хулоса ва таклифлар.....	112
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	116

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва яратилган тегишли норматив-ҳуқуқий база иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг улушини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишда тадбиркорларимизни рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг мамлакатимиз умумий экспортидаги улуши охириги 15 йилда уч маротаба ортиб, бугунги кунда бу кўрсаткич 27 фоизга етди.

2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Охириги беш йилда экспорт фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар сони 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари сони 1,6 баробар ошди.

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, – “Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат”¹

Сўнги йилларда Президентимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини янада кенгайтириши ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиши йўлида кенг имкониятларни очиб бермоқда. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 25 декабр 2017йил.